

Япония делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва Минтақалараро Тадқиқотлар Институтида Япония Мудофаа вазирлигининг миллий мудофаа тадқиқотлари институти катта илмий ходими Ҳироши Ямадзое бошчилигидаги делегатсия билан учрашув бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.



Х.Ямадзое Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш борасидаги ҳамда халқаро майдонда мамлакат обрўсини оширишга хизмат қиладиган прагматис ва конструктив ташқи сиёсатни ишлаб чиқишдаги са'й-ҳаракатларини юқори баҳолади. Ўзбекистонда ички иқтисодийнинг либераллаштирилиши ва демократия институтларининг мустахкамланиши, икки томонлама савдо-иқтисодий ва япон инвеститсияларини кенгайтиришга олиб келиши таъкидланди.

Бундан ташқари томонлар, Осиё минтақасидаги барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш доирасидаги долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳозирги шароитда халқаро хавфсизликка солинаётган хавф ва хатарларни ўзгариши тўғрисида фикр алмашилди.



Сухбат якунида, томонлар ўзаро таҳлилий ва илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва Минтақалараро Тадқиқотлар Институти ҳамда Япония Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Миллий Мудофаа Тадқиқотлари Институти ўртасида келгусида илмий учрашувлар ўтказишга келишилди ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қойишга ўз қизиқишларини билдиришди.